

**РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЖАҲОН САВДО
ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК МАСАЛАЛАРИНИ ЎРГАНИШ
ЮЗАСИДАН ЎЗИГА ХОС ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР**

*Каримов Сарвар Рустам ўғли
Мустақил тадқиқотчи*

Аннотация: Мазкур мақолада Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик жараёнида ривожланаётган мамлакатлар томонидан инобатга олиниши лозим бўлган ҳолатлар, унга тайёргарлик кўриши босқичлари ҳамда ташкилотга аъзоликнинг ўзига хос жиҳатлари бўйича маҳаллий ҳамда хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ёндашувларини ўз ичига қамраб олган. Жумладан, аъзолик жараёнида ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиши, ташкилотга аъзоликнинг миллий иқтисодиётга таъсири ҳамда савдо келишувлари бўйича стратегиялар ишлаб чиқиши каби йўналишларда олимлар фикри тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: ЖСТ, хорижий тажриба, субсидия, трансмиллий корпорация, ташқи савдо, стратегия, баҳолаши методикаси, савдо келишуви.

Ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлатнинг мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи ролисиз ташқи иқтисодий сиёсатни самарали амалга ошириш мумкин эмас. Сабаби, ҳар бир суверен давлат ўз миллий манфаатлари йўлида қолаверса, миллий иқтисодиётининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини сақлаб қолиш йўлида айрим тармоқларда протекционистик сиёsat юритишга мажбур бўлади.

Замонавий шароитларда ташқи савдо ҳар бир алоҳида олинган мамлакат ва умуман олганда жаҳон иқтисодий фаолияти ҳамда ривожланишининг муҳим таркибий қисмидир, чунки, дунёда кечеётган глобаллашув жараёнлари шароитида бошқа давлатлар иқтисодиёти билан самарали хўжалик алоқалари тизимини ўрнатмасдан туриб, ҳеч бир давлат иқтисодий ривожланишга қодир эмас.¹ Иқтисодиёт соҳасида ўзаро иқтисодий муносабатлар ва жараёнларнинг кучайиши халқаро савдонинг умумий норма ва принципларини ишлаб чиқилишига ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) тузилишига олиб келди. Бугунги кунда ташкилот кўп томонлама савдо тизимининг хуқукий ва институционал асосини таъминловчи, халқаро савдонинг деярли барча жабхаларини қамраб олган йирик халқаро ташкилот ҳисобланади.

¹ Китиева М.И., Международные организации и их роль в мировой экономике//«Colloquium-journal»#2(26).2019 / ECONOMICS

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакатлар иқтисодиётини тиклаш мақсадида 1947 йилда тузилган (ингл. General Agreement on Tariffs and Trade – GATT) Тариф ва савдо бўйича бош келишув қарийб ярим аср давомида халқаро ташкилот функциясини амалга ошириб, 1995 йилда Жаҳон савдо ташкилоти сифатида иқтисодий институтга айланган. Ташкилотнинг асосий мақсади – жаҳон савдосини биринчи навбатда импорт божлари даражасини изчил пасайтириш орқали тариф усуллари билан тартибга солиш ҳамда турли нотариф тўсиқлар ва квоталарни бартараф этиш йўли билан жаҳон савдосини либераллаштириш ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масалалари юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, аксарият илмий ишлар иқтисодий, сиёсий, хуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ёндашувларга асосланади. Шу билан бирга ҳар бир давлат ўзининг жойлашган жойи, шартшароити ва имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ташкилотга аъзолик жараёнларига тайёргарлик кўрилишини талаб этади.

Жумладан, ривожланаётган мамлакатларнинг ЖСТга аъзолик масалаларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадида, уларни қуидаги **йўналишларга** ажратиш маъқул кўрилди:

1. ЖСТга аъзо бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиш.
2. ЖСТнинг давлат миллий иқтисодиётининг турли соҳаларига таъсирини баҳолаш.
3. Савдо келишувлари бўйича стратегиялар ишлаб чиқиши.

Биринчи йўналиш. ЖСТга аъзо бўлишдан аввал, хорижий тажрибани тадқиқ этиши муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида бир қатор олимларни фикрини келтириш мумкин. Хусусан, А.Б. Воронкевичга кўра, ЖСТга иқтисодий афзалликлар нуқтаи-назаридан қаралса, у ўзига хос бир молиявий пирамидани ташкил этиб, унга аъзолик уни яратувчилари ва илк аъзолари учун фойдалироқ ҳисобланади. Ҳар бир кейинги қўшилган давлатлар ундан аввал қабул қилинган нормаларга ҳамда ўз манфаатини олдинга сурувчи аъзо давлатларнинг талабларига риоя этишга мажбур бўлади. Шу жиҳатдан, ЖСТга аъзолик жараёнларида ҳар бир давлатнинг аъзо бўлиш шартларини ҳисобга олиш муҳим рол ўйнайди.²

Шунингдек, Е.П. Панишко³ ҳозирги вақтда турли соҳадаги назариётчи ва амалиётчилар ЖСТнинг ижобий ёки салбий таъсири бўйича бир фикрга келмаганликларини, бунинг сабаби эса, мамлакатнинг ЖСТга аъзо бўлиши миллий иқтисодиёт учун янги имкониятлар шу билан бир қаторда янги

² Воронкевич А.Б., Митус Е.Ю. // Мировой опыт участия стран в ВТО. Что стоит взять на заметку России? 2012 г.

³ Панишко Е.П. Киселёва М.С. // Экономические последствия вступления России в ВТО и опыт зарубежных стран. Ученые записки СПб филиала РТА № 2 (54) 2015 г.

таҳдидларни ҳам келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлаб, давлатнинг ЖСТга аъзо бўлишининг ижобий ва салбий оқибатларини аниқлаш учун, мазкур давлат билан ўхшаш шартларда ташкилотга аъзо бўлган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш энг мақбул ечим эканлигини қайд этган.

Хусусан, Х.Асадов ва Н.Ортиқовларга кўра, ЖСТга қўшилиш шартлари ташкилот доирасида кўзланган мақсадларга эришишда муваффакиятнинг асосий омили бўлганлиги сабабли, унга аъзо бўлган постсовет мамлакатлари тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон учун оптималь савдо сиёсатини шакллантириш имконини беришини маълум қилган⁴.

Иккинчи йўналиш. ЖСТга аъзолик давлат иқтисодиётининг кўплаб тармоқларига, ижтимоий ва хукуқий соҳаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши натижасида кўплаб илмий тадқиқотчилар унинг оқибатларини турли ҳил соҳалар кесимида тадқиқ этганлар. Жумладан, А.В. Смирнов⁵ ўз тадқиқоти давомида ЖСТ талаблари асосида Россия ишлаб чиқариш соҳасини тартибга солишининг иқтисодий жиҳатларини ўрганиб, ташкилот талабларини ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланишига таъсирини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда субсидиялаш тизимидан фойдаланишининг асосий қоидаларини ёритиб берган.

Шунингдек, М.М. Новиков⁶ ЖСТга аъзолик жараённида ташқи савдони тартибга солиш масалаларини тадқиқ этиб, ЖСТга аъзолик жараённида халқаро савдонинг либераллашуви ўзининг афзалликлари билан бир қаторда, миллий бозор хўжаликларининг нотекис ривожланиши, трансмиллий корпорация (ТМК)ларнинг мавқеи кенгайиши, ноҳалол савдо муҳитининг тарқалиши каби оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги шароитида, ҳамда, импорт ҳажмининг ўсиши ёки уни минимал даражага тушмаслиги учун ташқи савдони тартиб солиш тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин эгаллашини таъкидлаган.

Учинчи йўналиш. ЖСТга аъзоликка тайёргарлик кўришда жараёнларида яна бир асосий йўналишлардан бири бу савдо келишувлари бўйича стратегия ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу орқали давлатлар икки ва кўп томонлама келишувларда ўзаро манфаатли шартларга эришишлари учун давлатнинг имкониятларидан келиб чиқиб устувор йўналишларни белгилаб олишни ўз ичига олади.

⁴ Х.Асадов, Н.Ортиқов // Предусмотреть, вступая в ВТО. ЦЭИР Экономическое обозрение №4 (244) 2020

⁵ Смирнов А.В. Диссертация на тему: Экономические аспекты регулирования российской промышленности с учетом требований всемирной торговой организации (ВТО). Москва 2006

⁶ Новиков М.М. Диссертация на тему: Регулирование внешней торговли в условиях членства в ВТО. Москва 2007

Хусусан, Х.С.Исламходжаев⁷ ўз тадқиқотида ЖСТга қўшилиш Ўзбекистон учун ижобий натижалар билан бир қаторда давлат миллий иқтисодиёти учун хорижий рақобатнинг кучайиши нуқтаи назаридан салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкинлигини баён этиб, натижада ЖСТ битимларига мувофиқ ТИФни давлат томонидан тартибга солиш тизими ҳам сезиларли даражада ўзгаришига сабаб бўлишини таъкидлаган. Шу жиҳатдан, ЖСТга аъзолик жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссиянинг роли алоҳида қайд этилиб, мазкур комиссия ЖСТга аъзо бўлишнинг самарали ва оқилона стратегиясини ишлаб чиқиши зарурлигини қайд этган.

С.Сипҳана⁸ Комбоджанинг ЖСТга киришидан сабоқларни ўрганиш жараёнида мазкур давлат ташкилотга самарали ва қисқа муддатлар ичida аъзо бўлиш мақсадида ишлаб чиқсан стратегиясини таҳлил қилган. Камбоджа учун ЖСТга аъзолик мамлакат ривожи учун ҳал қилувчи жараён бўлганлигини таъкидлаб, у аъзоликдан максимал даражадаги фойдани ошириш учун ўз эҳтиёжларига мос келувчи ва керакли натижаларга эришадиган музокаралар стратегиясини ишлаб чиқиш кун тартибида бўлганлигини баён этган.

С.Бадрал⁹ эса, бир қанча давлатлар аъзолик учун зарур бўлган даражада иқтисодиётни либераллаштириш стратегиясини бўйича йўл тутишини маълум қилган. Бироқ, Албания, Эстония, Грузия, Қирғизистон, Латвия ва Мўғулистон каби давлатлар ҳаддан зиёд либераллаштириш сиёсатига асосланган стратегияни қабул қилганликларини таъкидлаб, ушбу ҳолат салбий оқибатларга олиб келганлини маълум қилган.

Юқоридагилардан хulosа қилиш мумкинки, ЖСТга аъзоликни мақсад қилган давлат биринчи навбатча ташкилотдан имкон қадар кўпроқ фойда олиш учун ўз стратегиясини ишлаб чиқиш, бунда ташкилотга аввал аъзо бўлган давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда иқтисодиётнинг заиф соҳаларини ҳамда тузилмаларини мустаҳкамлаши зарур ҳолларда эса ислоҳ қилишини талаб этади.

⁷ Х.С. Исламходжаев Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишининг ташкилий-хукукий жиҳатлари. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Тошкент Давлат Юридик институти. Тошкент – 2010 й.

⁸ S.Siphana // Lessons from Cambodia's Entry into the World Trade Organization. ©2005 Asian Development Bank Institute. ADBi Publishing 11/05 ISBN 4-89974-009-3

⁹ S.Badral // Experience and lessons learnt from Mongolia's accession to WTO. Интернет сайт: <https://www.unescap.org/sites/default/d8files/event-documents/Policy%20Note%20-%20Mongolia.pdf> Мурожаат санаси: 20.02.2024 й.